**«Самарқанд Дори-Дармон» Акциядорлик жамиятининг 01.01.2015 йилдан 01.01.2016 йилга қадар бўлган молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви якуни бўйича**
**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

*Самарқанд шаҳри* — *10 март 2016 йил.*

**Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:**

| | |
|---|---|
| **Тулиқ номи:** | *«Самарқанд Дори-Дармон» Акциядорлик Жамияти* |
| **Қисқача номи:** | *«Самарқанд Дори-Дармон» АЖ* |
| **Инглиз тилида номланиши:** | *JSC «SAMARKAND DORI-DARMON»* |
| **Юридик манзил:** | *Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар майдони, Ертешар кўчаси 1 уй.* |
| **Хисоб рақами:** | *20208000600307673001.АТ"Алоқа банк"Самарқанд филиали* |
| **МФО:** | *00985* |
| **ХХТУТ:** | *71212* |
| **СТИР:** | *200610747* |
| **Тел:** | *8(366) 225-02-73, 8(366) 225-17-80* |

**Аудиторлик ташкилоти:**

| | |
|---|---|
| **Ташкилот номи:** | *MChJ «PROMSTROY-AUDIT» AT* |
| **Инглиз тилида номланиши:** | *AC «PROMSTROY-AUDIT» LLC.* |
| **Юридик манзил:** | *Навоий шаҳри, Низомий кўча 24А уй* |
| **Давлат руйхатига киритлганлиги:** | *Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 26 август №394 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳамда № 1091сонли давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида ГУВОХНОМА сига эга.* |
| **Лицензии:** | *Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2011 йил 12 январдаги АФ №00720 сонли (Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказишга рухсат берувчи) ЛИЦЕНЗИЯ сига эга* |
| **Аудитор:** | *Ж.Саидов/ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2013 йил 16 сентябрда берилган №04610 сонли СЕРТИФИКАТ га эга.* |
| **Асос:** | *25.02.2016 йил 45/016 сон шартнома* |

*Биз «Самарқанд Дори-Дармон» Акциядорлик Жамияти* нинг *01.01.2015 йилдан 01.01.2016 йилга* қадар бўлган молиявий хўжалик фаолиятини субъект томонидан тақдим қилинган бухгалтерия хисоботлари ва молиявий фаолиятга тегишли хужжатлар асосида аудиторлик текширувидан ўтказдик.

**Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект жавобгарлиги**

Аудиторлик текшируви ўтказиладиган, текширув учун субъект томонидан тақдим қилинган бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг тайёрланиши, уларни асословчи ҳужжатларни расмийлаштирилиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган АФМА (Аудиторлик фаолиятининг миллий андозалари) га мувофиқ ўтказилди. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини таказо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахбаротнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради.

**Аудитор фикри**

Бизнинг фикримизча *«Самарқанд Дори-Дармон» Акциядорлик Жамияти* нинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва амалга оширилган молиявий хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади деб ушбу ***ижобий хулоса*** берилди.